

Ishonch

2019 йил 10 август • шанба • № 97 (4226)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Халқимиз бутун муслмон уммати билан биргаликда катта шоду хуррамлик ила кутиб олаётган Қурбон ҳайити билан сизларни, гўзал дёғиримиздаги барча мўминларни чин қалбимдан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни билдираман.

Асрлар давомида эл-юртимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин эгаллаб, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаб келаётган ушбу кутлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

Мана шундай шуқуҳли ва саодатли айёмда ҳаммамиз аввало Аллоҳ тобора ва таолога беадад шукроналар айтишимиз табиийдир.

Сиз, азизларга яхши маълумки, Ўзбекистонда сўнгги йилларда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, эътиқод эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, турли миллат ва элатлар ўртасида тотувлик, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити тобора юксалиб бормоқда.

Айниқса, халқимизнинг ислом маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш, табаррук қадамжоларни обод қилиб, зиёратгоҳларга айлантириш, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида бошлаган хайрли ишларимиз илм-у маърифатнинг қадрига етадиган эл-юртимиз ва халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Фуқароларимиз учун яратилган янги имконият ва шароитлар тўғрисида муътабар ва улуғ айём кунларида Маккаи мукаррамада муқаддас ҳаж амалларини адо этаётган 7 мингдан зиёд ватандошларимиз бугунги тинч-осойишта, эркин ҳаёт учун Парвардигори оламга ҳамду санолар айтиб, юртимизга равақ, халқимизга хайр-барока сўраб, дуои фотиҳалар қилишмоқда.

Ҳожиларимизнинг барчасини самимий муборакбод этиб, уларнинг она дёғиримизга соғ-саломат қайтиб келишларини тилаймиз. Улар ўзларининг ибратли фазилатлари, жамият ҳаётидаги фаол иштироки билан ёш авлодимизни эл-юртга садоқатли ва фидойи, ҳидоят

ўйлидан борадиган ҳалол ва пок инсонлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонамиз.

Яратганининг неъматлари зиёда бўлаётган ва шукроналик ҳислари қалбларимизни нурафшон қилаётган ушбу айёмда узоқ ва яқин ҳудудларда жойлашган барча муслмон мамлакатларининг халқларини, хорижий дўст ва ҳамкорларимизни қутлаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик ёр бўлишини тилаймиз.

Қадрли юртдошлар! Қурбон ҳайитининг мамлакатимизда мустақиллик байрами арафасида кенг нишонланиши халқимизнинг руҳи ва кайфиятини янада кўтармоқда.

Айни шу кунларда эл-юртимизга хос бўлган меҳр-мурувват, шафқат ва саховат тўғрисида яққол намоён бўлиб, барчамизни эҳтиёжманд, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва қабристонларни обод қилиш каби савобли ишларга даъват этмоқда.

Бундай хайрли амаллар мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида рўёбга чиқарилаётган, инсонни азиз ва мукаррам деб билишга, жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга қаратилган ислохотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Биз уларнинг замирида ислом динининг инсонпарварлик моҳияти ва қудратини кўрамыз, буюк маънавий мерос ворислари эканимиздан ҳақли равишда фохрланамиз.

Ҳурматли ватандошлар! Барчангизни Қурбон ҳайити байрами билан яна бир бор чин юракдан муборакбод этаман.

«Дилинг – Аллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин», деган олжанаб эътиқод билан яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимиздан хотиржамлик, аҳиллик, файзу барока ҳеч қачон аримасин!

Эзгу интилиш ва ишларимизда Яратганининг ўзи ҳаммаша мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ август ойининг иккинчи яшанбаси соҳа ходимлари кунини белгиланган. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Наврўз» тантаналар саройида байрам тадбири бўлиб ўтди.



ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

Тадбирга уста бинокорлар, меймор ва лойиҳачилар, пудратчи ташкилотлар вакиллари, меҳнат фахрийлари ва соҳанинг фидойи мутахассислари таклиф этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, транспорт вазири О.Раматов, Тошкент шаҳар ҳо-

кими Ж.Ортиқхўжаев, қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Зокиров мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларини табриклади.

Соҳани ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида бугун қурилиш индустрияси миллий иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, аҳоли

турмуш фаровонлигини оширишда муҳим тармоқлардан бирига айлангани қайд этилди.

Азиздан халқимиз меъморчилиги нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун дунёда машҳур бўлган. Бу касб бизга аждодлардан мерос. Бугун юртимизга келаётган сайёҳлар ота-боболаримиз кўрган муҳташам қадамжоларни то-

моша қилиб ҳайратланаётгани бежиз эмас. Сўнгги йилларда ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартирган бино ва иншоотлар бинокорлик борасидаги миллий анъаналаримиз давом этаётгани, соҳага замонавий билим ва тажрибалар кенг татбиқ этилаётганидан далолат беради.

3▶

Тажрибалар таҳлил қилинди

Фармон моҳияти

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида «Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни: Ўзбекистон қасаба уюшмалари тажрибаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди.



Ички валюта бозоридаги жорий ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Жорий йил июль ойининг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса сўнгги ҳафтада ички валюта бозорида хорижий валютанинг сўмга нисбатан алмашув курси ошиш суръатининг тезлашиши кузатилмоқда.

Бунга бир қатор ташқи ва ички омиллар сабаб бўлмоқда.

Ташқи омиллар. Жорий йилнинг июль ойидан бошлаб Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатлари (Россия, Қозоғистон ва Хитой) миллий валюталари алмашув курсининг қадриятлари тенденцияси кузатилмоқда ва бу, ўз навбатида, ички валюта бозорини иштирокчиларининг алмашув курси бўйича кутилмақари ва қарорлар қабул қилиш жараёнига маълум даражада таъсир кўрсатмоқда.

Ички омиллар, асосан, импорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютага бўлган талабнинг ўсиб бориши билан боғлиқ. Ички валюта бозорида талаб ва таклиф ҳажмлари маълум бир даражада барқарор шаклланган даврда, Марказий банкнинг интервенциялари ишлаб чиқарувчилардан монетар олтинни сотиб олиш натижасида ҳосил бўлган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш билан биргаликда, валюта курсининг қисқа муддатли тебранишларини пасайтирувчи инструмент сифатида қўлланиб келинади.

Шунингдек, ички валюта бозорида юзага келган жорий ҳолатни инобатга олиб, Марказий банк интервенцияларини амалга оширишда валюта курси кучлик тебранишининг кенгайтирилган коридорини қўллаш механизмига ўтмоқда.

Марказий банк алмашув курсининг валюта бозорида юзага келган жорий ҳолатга қисқа муддатли курс тебранишларининг давом этиши ҳамда кейинчалик фундаментал трендига қайтиши ҳисобига катта бўлмаган ўзгаришлар билан мослашиб олиши мумкинлигини билдиради.

uza.uz

Меҳр-оқибат ва барака айёми

Қадрият

Шу йилнинг 11 август куни юртдошларимиз Қурбон ҳайитини кенг нишонлайди.

Президентимизнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига асосан улуғ байрамга қизғин ҳозирлик кўриломоқда. Ушбу байрам бошқаларидан қай жиҳати билан афзал ва унинг моҳияти, маънавиятимиздаги ўрни қандай?

ҚУРБОНЛИК – МОЛИЯВИЙ ИБОДАТ

Бу байрамнинг муҳим ва алоҳида ажралиб турадиган жиҳатларидан бири – қурбонлик қилишдир.

Бунда моддий имконияти етарли бўлган мўмин-муслмон бир йилда бир мартаба бирор жонлик сўйиб, қурбонлик қилади. Бу ибодат айни шу кунларда амалга оширилади.

Қурбонлик қилинадиган ҳайвон нуқсонсиз бўлиши керак. Яъни, қурбонликка танланган ҳай-

воннинг кўзи кўр, чўлоқ, ўта қари ёки касал бўлмаслиги зарур.

Манбаларда ёзилишича, бир ёшдан ошган қўй, қўчқор, эчки, серка бир оила учун, икки ёшдан ошган хўкиз, сигир уч оила учун, беш ёшдан ошган туя етти оила ҳисобидан қурбонлик қилиниши мумкин. Жонлиқнинг гўшлари, аввало, камбағал ва ночорларга, қўшни ва қариндошларга тақсимланади.

Қурбонлик барча мўмин-муслмонга буюрилган. Баъзилар ҳар оиладан бир киши битта жон-

лиқни қурбон қилса етарли, деган фикрни билдиришади. Бу нотўғри. Барча намозни, рўзани ўзи учун тутганидек, моддий имконияти бор инсон қурбонликни ҳам ўзи қилиши керак.

ҲАМ ТАН, ҲАМ МОЛ ИМТИҲОНИ

Ислом динининг муҳим беш амалларидан бири ҳисобланадиган Ҳаж ҳам айни шу байрам арафасида амалга оширилади.

Бу ҳақда сўз юритилганда, юртдошларимиз учун кенг имкониятлар яратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, бир неча йилдирки, Ҳаж ва Умра тадбирларининг ташкилий ишлари Президентимизнинг тавсиялари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ҳаж ва Умра тадбирларини ташкил этиш, ўтказиш масалалари



бўйича Жамоатчилик кенгаши қарор ва таклифлари асосида юқори савияда ташкил этилмоқда.

2016 йилда 5 минг нафар зиёратчи Ҳаж сафарига борган бўлса, 2017 йилдан буён уларнинг

сони 2 минг нафарга кўпайиб, умумий кўрсаткич 7 мингга етди. Бу йил эса 7200 нафар юртдошимиз Ҳаж ибодатини адо этмоқда.

3▶

ҚУРУВЧИЛАР БАЙРАМИ НИШОНЛАНДИ

41 Амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мустақам ҳуқуқий-меъёрий, моддий-техник базага, кадрлар салоҳиятига эга бўлган мазкур кўп тармоқли соҳа тараққиётимиз локомотивларидан бирига айланди.

Жорий йилда қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳалари бўйича молиявий манбалар ҳисобидан 3 мингга яқин объект, жумладан, 447 мактабга таълим муассасаси, 506 умумтаълим мактаби, 12 мусика ва санъат мактаби, 8 олимпиада захиралари коллежи, 14 олий таълим ва 218 соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ёш оилалар учун қўлайлик яратиш мақсадида арзон ва шинам уй-жойлар қуриш дастури амалга ошириляпти. 2019 йил

давомида 351 массивда 15 минг 10 та арзон намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Бу борада уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга, мудоффа вазирига ва миллий гвардия хизматчиларига, ички ишлар органлари ходимларига имтиёзли тарзда берилётгани аҳамиятлидир. Шу билан бирга қабул қилган дастурларга асосан мамлакатимизда қуриляётган жами 399 кўп қаватли уй-жой йил якунигача ўз эгаларига топширилади.

Қиляётган меҳнатингиз жамиятга фойда келтирса бундан олий бахт бўлмаса керак, – деди Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган «Сармоя қурувчи сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Музроб Тошев. – Вилоятимизда бунёд этилган бино ва иншоотлар, аввало,



халқимиз манфаати ва фаровон яшashi, юртимиз тараққиётига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Фаолиятимиз давомида кўплаб бино-иншоотлар қурилишида иштирок этдим. Ҳозир ўша ҳудудларда қад ростлаган биноларда яшайётган оилаларни, ўйнаб юрган болаларни кўрсам завқланаман. Биз, қурувчиларга

кўрсатиляётган шундай эътибордан жуда хурсандимиз. Бу эса келгусида янада кўпроқ фойда билан меҳнат қилишга ундайди.

Тадбирда таниқли санъаткор ижросидаги концерт дастури барчага кўтариник кайфи бағишлади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мўҳбири

Сурхондарё вилояти

КЎМИРЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Сурхондарёдаги Шарғун шаҳарчаси хусусида гап борганда кўпчиликнинг кўз ўнгига кўмир конлари гавдаланади. Утган асрда бу ерда кўмир кони очилиб, 55 та кўпқаватли уй, кўпқаб хизмат кўрсатиш объектлари, маъмурий бинолар, мактаб ва боғчалар барпо этилди. Кўмирчилар шаҳарчасида четдан жалб қилинган мутахассислар билан ишлаш жараёнида маҳаллий аҳоли орасида ҳам шахтёрлар авлоди етишиб чиқди. Аммо аср охирида Шарғун шаҳарчаси бироз эътибордан четда қолди. Конларда иш сусайди. Таъминотдаги узилишлар ҳамда кўмирга харидорнинг камайгани сабабли иш ўринлари қисқариб, малакали мутахассислар шаҳарчани тарк этди.

«Шарғун кўмир» АЖ кейинги йилларда турфа ташкилотлар тасарруфига ўтди, бироқ маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмади. Бу орада кўп қаватли уй-жойлар таъмирланмади, сув таъминоти издан чиқди. Уй-жойлар ва конга хизмат кўрсатиш иморатларнинг бир қисми хусусийлаштирилди, қолганидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Бир сўз билан айтганда, ҳамма ҳавас қиладиган Шарғун шаҳарчаси илгариги файзини йўқотди.

«Обод маҳалла» дастури – амалда!

ОСТАНАДАН БОШЛАНГАН БУНЁДКОРЛИК

Албатта, ер ости бойликларини қазиб олиш, улاردан халқ ҳўжалигига зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Аммо ишчи-хизматчиларга иш унумининг юқори бўлиши учун биринчи галда қўлайликлар яратиш за-



Яшнаётган Шарғун

ватли уй-жойлар таъмирланмади, сув таъминоти издан чиқди. Уй-жойлар ва конга хизмат кўрсатиш иморатларнинг бир қисми хусусийлаштирилди, қолганидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Бир сўз билан айтганда, ҳамма ҳавас қиладиган Шарғун шаҳарчаси илгариги файзини йўқотди.

рур. Шу мақсадда Шарғун шаҳарчасида «Обод маҳалла» дастурига мувофиқ кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Барча кўп қаватли уйлар мукамал таъмирланиб, том қисми замонавий тунука ва шиферлар билан ёпиляпти.

Насос ва қувурларнинг эскиргани натижа-сида юқори қаватдаги хонадонларга сув чиқмай қолганига кўп вақт бўлган эди. Канализация тармоқлари яроқсиз аҳволга келган, ертўраларга оқова сувлар тушиб, ҳамма ёқни чивин ва пашша босиб ётарди. Ҳозирда кўп қаватли уйларнинг сув ва канализация тармоқлари бутунлай янгиланмоқда. Бунинг учун шаҳар ҳудудида 16,6 километр узунликдаги канализация қувурлари тортиляпти. 11,7 километр узунликдаги ичимлик суви қувурларини ўрнатилмоқда. Кўп қаватли уйларни уз-луқсиз сув билан таъминлаш мақсадида янги сув йиғиш ва сақлаш ёмбори қўрилмоқда. Хонадонларни электр қуввати билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида эски ёғоч симёғочлар темир-бетон устунлар билан алмаштириляпти. 30 та оилага мўлжаллаб қуриляётган янги уйлар ва янги бозор ҳам шаҳарча қиёфасига ўзгача манзара қўшиши шубҳасиз.

Шарғунда яшайдиган аҳоли фарзандлари спорт билан мунтазам шуғулланиши учун «Шахтёрлар» уйингоҳи қайта қурилиб, унинг базасида янги БУСМ ишга тушди. Айни пайтда бу ерда ташкил қилинган тўғрақларда ешлар футбол, бокс, стол тенниси, волейбол, баскетбол, гимнастика билан шуғулланишляпти.

150 ўринли касалхона замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозланди, тажрибали кадрлар билан таъминланмоқда. Эндиликда шаҳарчада 80 ўринли перинатал марказ ҳам фаолият юрилади. Шахтёрларга тиббий хизмат кўрсатадиган поликлиника ва хусусий клиника, диагностика марказлари ҳам қўрилмоқда, тез орада шарғунликларнинг бошқа жойлардаги тиббиёт муассасаларига боришига ҳолат қолмайди.

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Аҳолининг маданий дам олиши, китоб ўқиши учун шаҳарчада 250 ўринли маданият ва дам олиш маркази қуриляётгани, янги кутубхоналарнинг ташкил этиляётгани эса хайрли ишларнинг қўламини янада кенгайтирмоқда. Шарғундаги 1176 нафар ўқувчига мўлжалланган 5-умумтаълим мактаб биноси сифатсиз ва чала қурилган эди. «Обод маҳалла» дастури доирасида ушбу мактабни мукамал таъмирлаш учун 8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Айни пайтда мактабда таъмирлаш ишлари қизғин сурытда.

Шаҳарчадаги 60-умумтаълим мактаб биноси ҳам мукамал таъмирланмоқда. Келажакда мактаб ҳудудида замонавий спорт зал ва қўшимча синфхоналар қурилади. Шарғунда мактабга таълим муассасаларини мукамал таъмирлаш ва янгиларини қуриши ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Чунки тараққиёт асосини илм ва маърифат белгилашини бу ердагилар жуда яхши билади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Меҳр-оқибат ва барака айёми

41 Дин ишлари бўйича қўмита расиси ўринбосари Нуриймон Абулҳасаннинг билдиришича, ўтган йиллардан фарқли равишда бу йил ҳожиларимиз сафар олдида, Ватанда бўлиб турган пайтларидаёқ улўф сафарга муносиб бўлиш мақсадида ижтимоий кўмакка муҳтож шахслар, кам таъминланган оилалар ва аҳоли учун хайрия ёрдами сифатида ўз ташаббуслари билан 9 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатди.

Бу йилги зиёратчиларга юқори даражада хизмат кўрсатишни таъминлаш, Ҳаж ибодати билан боғлиқ амалларни тартибли адо этишни йўлга қўйиш мақсадида гуруҳ раҳбарлари ва зиёратчилар учун сафаролди ўқувлари ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан Ҳаж мавсуми учун сарф-ҳаражатлар сметаси бўйича ҳар бир зиёратчидан олинадиган маблағ яна арзонлаштирилди.

ҲОЖИЛАР ҚУРБОНЛИК ҚИЛАДИМИ?

Қайд этилишича, Ҳаж сафарини адо этаётганлар ҳам ибодатлари вақтида жонлик сўйиши вожибдир.

Аммо ҳар бир ҳожининг ўзи бориб жонлик сўйишга имкони йўқ. Шунинг учун Ҳаж амалини адо этаётган юртдошларимиз рўйхатга олиниб, исмлари араб тилига ўгирилган. Ушбу рўйхат жонликларни қурбонлик қиладиган ташкилотларга берилган. Улар ҳар бир юртдошимиз исмини ўқиб, уларнинг номидан жонлик сўяди. Бу билан боғлиқ харажатлар ҳожиларимизнинг муборак сафар учун тўловидан инobatга олинган.

ЭЗГУЛИКЛАР БАЙРАМИ

Байрам кунлари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида сайиллар бўлиб ўтади. Одамлар бир-бирига меҳр-муруват кўрсатиб, қавм-у қариндошлар ҳолидан хабар олиб, етим-есирлар, бева-бечораларга хайр-у эҳсон қилишади. Узоқ вақт кўришмаган дўст-у ёронлар учрашиб, бир-бирларини айём билан қутлашади.

Бу байрам қариндошлик, кўни-қўшнилик, қуда-андалик ришталарини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!
Эзгу амалларингиз қабул бўлсин!

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри Фестиваль



Жаҳон сайёҳлик бозори сари

Пойтахтимизда «Gastro bazaar – 2019» I халқаро гастрономик фестивали бошланди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил этган ушбу фестивалда Ўзбекистоннинг машҳур ресторандлари, қаҳвахоналари, пиццериялари ва тамаддионалари ва-киллари иштирок этмоқда.

– Гастрономик туризм жаҳон сайёҳлик бозорининг энг жадал ва ривожланаётган туризм йўналиши сифатида тан олинган, – дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси Шерзод Султонов. – БМТнинг Бутунжаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига

йилларда Ўзбекистон сайёҳлар томонидан нафақат дам олиш, табиатдан баҳраманд бўлиш, диққатга сазовор жойлар, урф-одатлар ва маданият билан танишиш, балки юртимизнинг мазали таомларидан татиб кўриш мақсадида энг кўп танланаётган мамлакатлардан бирига айланди. 2016 йилнинг 1 декабрь санасида «Ўзбек палови» ЮНЕСКОнинг «Инсоният номоддий маданий мероси Репрезентатив» рўйхатига киритилиши ҳамда 2017 йилнинг 8 сентябрь кунинда «Ўзбегим» миллий қадриятлар фестивалида 8 тонналик ўзбек паловининг пиширилиши ва унинг Гиннес Рекордлар китобига киритилиши ҳам миллионлаб одамларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ортисига сабаб бўлган эди. Қолаверса, хорижий мамлакатларда ўзбек ресторандарининг сони ошиб бораётгани ҳам ўзбек ошонасининг қанчалар шуҳрат қозонаётганини кўрсатиб турибди.

Фестиваль доирасида тури тadbирлар, маҳорат дарслари, учрашувлар ва туризм соҳасидаги тақдиротлар ҳамда кўнгилочар концерт дастурлари ўтказилиши режалаштирилган.

Муқаддас РАЗЗОКОВА,
«ISHONCH»



Аукцион савдолари хабарномаси!

«BEST AUKSION SAVDO» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ БУХОРО ШАҲРИ, ХОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ КЎЧАСИ 28-ЎЙ МАНЗИЛИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. 2019 йил 10 сентябрь кунини соат 11:00 да ташкил қиладиган савдоларга Бухоро нефть ва газ саноати коллежининг 2019 йил 2 августдаги 01-611-сонли буюртма-хатига асосан коллеж ҳисобидаги бошланғич баҳоси – 5 689 618 сўм бўлган, 2006 йилда и/ч, ГАЗ-31105 русумли д/р: 80/563JAA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

2019 йил 10 сентябрь кунини аукцион савдолари бўлиб ўтган ЛОТ бўйича 2019 йил 17-ҳамда 24 сентябрь кунлари

такрорий аукцион савдолари ташкил қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоси қўлибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шакл-

даги буюртномалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган за-калат пули тўғрисидаги келишув шарт-

номасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатлат пуллари тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нухсаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нухсаси ва савдода қатнашувчи ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закатлат тўлови учун реквизитлар:
«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти, СТИР: 305300366, МФО: 00115, АТБ «Кийлоқ қурилиш

банки» Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисобрақами: 20208000300842711002.

Буюртномаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

«Аукцион ташкилотчиси» – «BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Ҳофиз Таниш Бухорий кўчаси, 28-уй (2-қават).
Тел.: +998 91 414-97-00. E-mail: bas_savdo@mail.ru.

Гувоҳнома № 576174.


Эълон

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши Қарши давлат университети ходимлари ва талабалари касба уюшмаси қўмитаси расиси Тўйчи Валиевга падали бузруквори

ҚОРЖОВ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши кенгашининг Куйи Чирчиқ тумани со-биқ расиси

Фарида ЕСЕРГЕНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



шар эди. Ҳозирчи?
 – **Ўзбекистон футбол инфратузилмасидан кўнглингиз тўладими?**
 – Йўқ, тўлмайди. Ҳали бу соҳада қилинган ишлардан қилинмаганлари кўп. Мана, яқинда раҳбарият ўзгарди. Энди ўзгаришлар бўлади, деб ўйлайман.
 – **Келишилган ўйинлар собиқ иттифоқ чемпионатида ҳам, ўзимизнинг чемпионатда ҳам кузатишгани бугун кўпчиликка маъ-**

қиламан» деб стадионга тушган ишқибозлар нима қилсин? Улар ўйин ичидаги «ўйин»ларни билишмайди.
 – **Бирон бир жамоанинг «қулоғидан тортиб» ёрдам берилишига, ён босилишига қандай қарайсиз?**
 – Албатта, салбий. Очиги, сиз назарда тутган ҳолатлар, очикдан-очик ён босадиган ҳакамлар учраб туради. Бу ҳам футболимиз иллатларидан бири. Умуман, ташиш-билишчилик, те-

лиқ хотираларингиз кўп. Сиз уларни яқиндан танигансиз, жуда яхши билгансиз. Қадрдонларингиз ҳақида китобларингизда алоҳида тўхталиб ҳам ўтгансиз. Шундай йиллар ҳам бўлдики, биз 11 август куни ёки арафада 17 нафар пахтакорчининг исми-шарифини санаб ўтишдан, «шу йили шундай бўлган эди» дейишдан нарига ўтмадик. Биз ўтган йиллар давомида пахтакорчилар хотирасига ҳурматни жойига қўя олдикими?

– Бошида турли тадбирлар ўтказилди. Улар яхши ташкиллаштирилган эди. Таниқли жамоалар иштирокида хотира турнирлари бўлди. Кейин нимагадир эътибор сусайди. Сиз айтгандай, санадик, қўйдик. Бу йил «Пахтакор – 79» ҳақида биринчи марта телефильм ишланди. Ҳар йили 11 август куни юрагим оғриди, ўша кунги ҳолатимни таърифлаб беролмайман. Илтимос, мавзуни ўзгартирайлик...

– **Миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кўриш ҳаммамизнинг орзуимиз. Раҳматли, сўз устаси Ҳожибой Тожибоев айтганидай, «чемпионатга чиқиб, бориб, «музқаймоқ» еб қайтса ҳам майли». Шу пайтгача ушаламаётган орзуимиз яқин йилларда ушлармикан?**

– Илоҳим, ушласин! Ўша кунларни кўриш насиб этсин. Жаҳон чемпионатида чиқиш учун ҳар сафар бизга нимадир етишмай қолади. Мен бунини омад демаган бўлардим. Омад бизга қуръа ташлашдаёқ кулиб боқаяпти. Қолган ҳаммаси ўзимизга боғлиқ бўляпти-ю, эплай ошмаемиз. Бу сафар удаланишига ишонаман.

– **Самимий ва қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур!**

Алижон АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, республика таърифидоги ҳакам, «Олтин қалам» миллий мукофоти лауреати, фахрий шарҳловчи ва спорт журналисти **Ахбор Имомхўжаев** билан суҳбатимиз футбол ва футбол атрофидаги «ўйин» лар ҳақида кечди. Футболимиз жанкуяри саволларимизга истихало қилмасдан, «кўз-кўзинг» демасдан кўнжачлик билан жавоб берди.



Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ: БИЗНИНГ ФУТБОЛГА «НИМАДИР» ЕТИШМАЙДИ. – ФАҚАТ ОМАД ЭМАС...

– **Ахбор ака, сизнингча, футбол нима?**

– Футболни «миллионлар ўйини» дейиш урф бўлган. Катта-ю кичик ҳамма шундай дейди. Мен учун футбол бутун дунёни забт этган ўйин. Футбол бу – спортдаги санъат асари.

– **Бу таърифингиз менга халқимизнинг суюкли санъаткори Ёдгор Саъдиевни эслатиб юборди. Маълумки, у ҳам ёшлигида дарвозабон бўлган. Шу йўлдан кетганида Ёдгор Саъдиевдан яхши футболчи чиқармади?**

– Бунини Худо билади. У ҳарқалай «Пахтакор»да Юрий Пшеничниковнинг ўринбосари эди. Юранинг қандай дарвозабон бўлганини кўпчилик яхши билади. У собиқ иттифоқ терма жамоасининг дарвозабони эди. Ёдгор юрагига қулоқ солиб, санъат йўлини танлаб, адашмади.

– **Бугунги шарҳловчилар ва**

«шарҳлаб» шарҳлар ҳақида фикрингиз?

– Мен ярқ этиб чиқаётган шарҳловчини кўрмайман. Ҳаммаси ўртамиёна. Барака топгурлар, «форвард», «фаворит», «интрига»... каби сўзларни кўп ишлатишади. «Бурчак тўпини амалга оширади», «жарима зарбасини амалга оширди», «бурчак тўпи», «узатма», «футболсеварлар»... – нима бу? Шарҳловчиларда тилга, сўзга умуман масъулият йўқ.

1956 йилда шарҳловчиликка танлов ўтказилган эди. Уч ой давом этган танловда 26 нафар киши қатнашган эди. Ушанда таниқли ёзувчилар, шоирлар ва суҳандонларнинг «элагидан» ўтганмиз. Энг қизиги, мен ва Роман Турпишев танлов ғолиби бўлганимиздан сўнг ҳам ҳар иккаламизга устозлар бириктирилган эди. Улар бизнинг ҳар бир шарҳимизга фикр-муносабат билдиришар, камчиликларимизни айти-

лум. Айтинг-чи, ҳакамлик пайтингизда сизга ҳам «таклиф» ва «илтимос»лар бўлганми?

– Бўлган. Мен уларга «хўп» дердим-да, билганимдан қолмасдим, яъни ўйинни ҳалол бошқарардим. Ёрдәмчиларим «сизнинг «хўп-хўп» дейишингиз, аслида «йўқ» дейишингиз» деб ҳайрон қолишарди.

Келишилган ўйинни сезиш ҳам мумкин, сезмаслик ҳам. Шундай ўйинлар бўладики, унда ё дарвозабон, ё ҳимоячи «роль» ўйнайди. Яна шундай ўйинлар ҳам бўладики, унда ҳар иккала жамоа раҳбарияти ўзаро ўйинларни келишиб қўя қолади. Бундай ҳолларда кўпроқ дуранг ўйнашади. Бундан ташқари, бир жамоанинг «таклиф»и билан рақиб жамоа унга «очко улашади».

Келишилган ўйинлар кимларнингдир манфаати учун, аммо пул тўлаб, «маза қилиб, футбол томоша

лефон, порохурлик каби иллатларнинг ҳаммасини йўқотиш керак.

– **Маълумки, «хизмат» лари учун Самвел Бабаев футболдан беш йилга четлатилган эди. Аммо у яна қайтди, аниқроғи, қайтарилди. Бу ҳолатга муносабатингиз?**

– Стадион четидаги бақалашкаларни тепадиган бу – Бабаев. У қайси хизматлари учун терма жамоага бош мураббий этиб тайинланди, тўғриси, тушунмайман. Мураббий бўлиб на бир, на икки, на олий лигада ишлаган. Шу «Пахтакор»да бир мавсум ҳам менежер, ҳам мураббийлик қилди, холос. Миржалол Қосимов битта ўйинда ютқазди, уни олиб ташлашди. Аммо Бабаев бешта ўйинни бой берди, индамадик. Самвел таркиб танлашни ҳам, захирадан қайси футболчини туширишни ҳам билмайди.

– **«Пахтакор – 79» билан боғ-**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги

Барча қурилиш соҳаси ишчи-ҳодимлари, меъмор ва муҳандисларни ҳамда соҳа фахрийларини ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан самимий табриклайди.

Яратувчанлик фаолиятингиз юртимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳаётимизнинг янада обод, гўзал ва тароватли бўлишига қаратилгани, бино ва иншоотлар қурилиши инновацион технологиялар ва замонавий сифат стандартларига мувофиқ амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.

Қурилиш соҳаси мутахассислари эришаётган бугунги ютуқлар бевосита устозлар ўғити ва асрлар давомида шакланган анъаналаримиз маҳсулидир.

Янги, жозибадор лойиҳаларга асосланган истиқболли қурилиш объектлари барпо этиш йўлида асло чарчаманг!

Ишларингизга омад ва зафарлар тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
 Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
 Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
 E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқеди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shonch» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй. **Баҳоси келишилган нарҳда.**

Тахририят ҳисобрақами:
 2021 0000 0004 3052 7001,
 АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
 Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЗД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
 Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
 Андижон – (+998-99) 889-90-23
 Бухоро – (+998-99) 889-90-31
 Жиззах – (+998-99) 889-90-34
 Наманган – (+998-99) 889-98-02
 Навоий – (+998-99) 889-90-28
 Тошкент – (+998-99) 889-90-25
 Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
 Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
 Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
 Фарғона – (+998-99) 889-90-24
 Хоразм – (+998-99) 889-98-01
 Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
 Х. Норбоев
Муҳаррир:
 С. Шодиева
Саҳифаловчи:
 Ҳ. Абдуҷалилов
 Ўза яқини – **00:20**
 Топширилди – **22:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюджет ма – 817. 28020 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Эълонлар

«SURXONDARYO MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосида қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

1. «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Сурхондарё вилояти филиали томонидан савдога чиқарилган, носоз ҳолдаги 2 (икки) донга ГТТП 400/6 трансформатор.

Бошланғич баҳоси – 15 309 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йилнинг 15-, 16-, 17 август кунлари соат 10:00 дан бошлаб, Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Surxondaryo mulk savdo» МЧЖ билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» даги ҳисобрақамга (х/р:20208000400868025001, МФО:01001, ИНН:305471954) соғиллаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичдан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Бахт кўчаси, 3/45-уй. Тел.: 0-376-224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

«NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ

аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Навоий вилояти, Қизилтепа туманида яшовчи Болтаев Нодиржон Рамазон ўлига тегишли бўлган 4 (тўрт) донга цемент қуйиш ускунаси қўйилмоқда.

Ҳар бирининг бошланғич нархи – 65 000 000 (олтмиш беш миллион) сўм.

Кимошди савдолари, савдога қўйилган мулклар рўйхати ва қиймати ўзгартирилмаган ҳолда 2019 йил 8 сентябрь кунини соат 11:00 бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига!

2019 йил 8 сентябрдаги савдога харидорлардан ариза тушмаган тақдирда навбатдаги аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилаёмиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ҳамда аризаларни рўйхатдан ўтказиш ва ахборот маслаҳат консалтинг хизмати учун энг кам иш ҳақининг уч баравари яни 608 190 (олти юз саккиз минг бир юз тўқсон) сўм миқдорда акмиссион тўловни савдо ташкилотчисининг ҳисобрақами («NAVOIY UNIVERSAL SAVDO» МЧЖ, «Саноатқурилишбанк»нинг Навоий шаҳар филиали, МФО: 00207, ИНН: 303793673, х/р: 20208000400587033001)га тўлайди.

Талабгорлардан аризалар Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 5-уй манзилида (жума, шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланғичдан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади.

Ушбу асосий воситалар билан ташкилот вакиллари ҳамроҳлигида жойига бориб танишиш мумкин.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ломоносов кўчаси, 5-уй. **Мўлжал:** 10-кичик туман деҳқон бозори.

Мурожаат учун телефон: (91) 438-57-77

Гувоҳнома № 44

Тошкент вилояти, Янгийўл туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Файзиёва Хосият Ахмаджўяева номига берилган О'Р-А 17182117 рақамли (рўйхатга олиш рақами №48) 11-синфни таомилгани тўғрисидаги шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, «Файзобод» маҳалласи, Улуғбек 1-боши берк кўчаси, 17-уй учун берилган Юлдашев Бахтиёр Закиржоновичга тегишли кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳри, «Файзобод» маҳалласи, Улуғбек 1-боши берк кўчаси, 17-уй учун берилган Юлдашев Бахтиёр Закиржоновичга тегишли кадастр ҳужжатлари ва уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.